



Ислом Нури

Хурматли ота-оналар, бу дарсимизда жаннат тўғрисида маълумот оламиз. Жобир разияллоху анху ривоят қилган ҳадисда пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам бундай дейдилар: Жаннат ахли жаннатда еб-ичишади, (лекин) хожат чиқаришмайди, бурун қоқишмайди ва бавл ҳам қилишмайди (Муслим ривояти). Абу Хурайра розияллоху анху ривоятида эса пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам айтадиларки: Қимқи жаннатга қирса, (доимо) неъмат (ичи)да бўлади, қасал бўлмайди, (бирор қийинчилик ҳам қўрмади). Қийимлари йиртилиб эскирмайди ва йигитлик ҳолати йўқолиб ҳам қетмайди; (Муслим ривояти).

1.

Савол: Болажоним, жаннат ҳозир борми?

Жавоб: Ҳа дадажон, Аллоҳ таоло жаннатни ҳам, дўзахни ҳам яратиб қўйган.

2. Савол: Жаннатда ҳозир бирор киши борми?

Жавоб: Йўқ дадажон, Қиёмат куни бўлганидан кейингина жаннатга қириш бошланади.

3. Савол: Жаннатга энг биринчи қим қиради?



Ислом Нури

Жавоб: Жаннатга биринчи пайгамбаримиз Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам кирадилар.

4. Савол: У кишидан олдин бошка одам борса жаннат дарвозалари очилмайдими?

Жавоб: Жаннат дарвозалари то пайгамбаримиз бормагунча, у кишидан бошкасига очилмайди.

5. Савол: Болажоним, жаннатийлар у ерда таомлар еб, ичимликлар ичиб юришадими?

Жавоб: Ха дадажон, улар турли-турли мевалар, гўштлар ва бошка ширин-ширин нарсалар еб, лаззатли ичимликлар ичиб, мазза килиб юришади.

6. Савол: Болажоним, бу нарсаларни пулга сотиб олишадими?

Жавоб: Йўк-йўк, жаннатда хамма-хамма нарсалар бепул берилади.

7. Савол: Болажоним, нега бепул берилади?

Жавоб: Чунки жаннатга кирганлар мана бу дунёда Аллохнинг розилигини излаб ибодат килганлар.